
Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди!

Коронавирус пандемияси даврида аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга хайр-саховат ёрдамиди кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон туманида фаолият олиб бораётган хайрия ва саховат марказининг фаолияти ҳақида мунтазам равишда ахборот бериб бормоқдамиз.

Марказ орқали саховатпеша инсонлар ва тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган бирламчи ёрдамлар ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламига беғараз етказиб бериш ишлари қизғин давом этмоқда.

Кеча, **27 апрель куни** марказ орқали 4 та сектор ҳудудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган **48 та оилаларга;**

бугун **28 апрель куни** эса шу каби оилалардан **41 тасига** бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Карантин даврида оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган бундай хайрия тадбирлари, саховатпеша инсонларнинг кўмаклари ушбу синовли кунлардан эсон омон, халқимиз бирдамлигида енгиб ўтиш учун барчага куч қувват ва матонат бахш этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-28 22:30:43